## БИР ДАҚИҚАЛИК ДАРОМАД

Кузатувлар шуни кўрсатдики, баъзи машҳур ишбилармонлар бир неча соатгина ишлаб, қимматбаҳо автомобил ёки яхта харид қилишга етарли пул топишлари мумкин экан. 60 сонияда энг катта даромад топиш кутилганидай Microsoft (Майкрософт) компаниясининг асосчиси ва раҳбари Билл Гейтсга тегишли.

8 бет



## ТЎҒРИ ЮРДИМ–ЕТДИМ МУРОДГА

Нима бўлади-ю, Давировнинг миясига ишларини янада «беш» қилиш ғояси ўрнашиб қолади. Ва, унинг ташаббуси билан «Бухоротекс» ОАЖ ҳамда «Бухоротекс» фирма дўкони ўртасида 250 млн. сўмлик тайёр маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланади. Шундан сўнг...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 16-aprel, № 16 (641)

### БОШ ПРОКУРАТУРАДА

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан Адвокатлар палатаси ва Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда «Жиноят процессида тарафлар тенглиги ва ҳимоя ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга оид жиноят-процессуал қонунчиликни қўллаш амалиёти ва такомиллаштириш масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифасидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланди, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинди, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруриятини юзага келтиради. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг кўламдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига риоя қилинишида тарафлар тенглиги ва ҳимоя ҳуқуқи кафолатларини таъминлашнинг аҳамияти катта. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноят судлов иш юритуви тарафларнинг тенглиги асосида амалга оширилади ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Илмий-амалий анжуманда республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари, адвокатлар, экспертлар ва амалиётчилар жиноят процессида тарафлар тенглиги ва ҳимоя ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга оид жиноят-процессуал қонунчиликни қўллаш амалиёти ва уни такомиллаштириш масалалари юзасидан маълумотлар бердилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларининг кучга кириши шахснинг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда жиноят процессида тарафларнинг тенглигини таъминлаш, адвокатура институтини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш тартиби, адвокатлик тузилмалари томонидан ҳимоячи иштирокини таъминлаш ва адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишнинг олдини олиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди, жамиятимизда қабул қилинаётган янги қонунларнинг амалиётда қўлланиши юзасидан тавсиялар берилди.

**Ўз мухбиримиз**



**Пойтахтимизда фаолият юритаётган 13 та ижодиёт маркази ва 8 та техник ижодиёт марказлари ўн минглаб ўқувчиларни ўз бағрига олган. Бундай ижодиёт марказлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида мавжуд бўлиб, уларнинг ўсиб келаётган авлод камолотидаги ўрни беқиёсдир. Бу ҳақда «Махсус мавзу» рукнида берилган мақолаларда сўз юритилган.**

# Ҳуқуқий ва амалий ёрдам

Асл тадбиркор — танлаган соҳасининг миришкори нафақат ўз фойдасини, балки кўпчилик манфаатларини кўзлаб иш бошлайди, фаолият доирасини кенгайтириб боради. Бозорга харидоргир, сифатли маҳсулотлар чиқаришга интилади. Шу билан баробар янги иш ўринларини таклиф қилиб, бандлик муаммосини ҳал этишга муайян ҳиссасини қўшади. Ишсиз фуқароларга меҳнат қилиб, ризқ-рўз манбаларидан фойдаланиш имкониятини ҳавола этади.

Мана шу хусусий ва жамият манфаатларининг уйғунлигига асосланиб қабул қилинган Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, Президент қарорлари ишбилармон кишиларга барча шарт-шароитларни ҳавола қилиб, сармояларини ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, бир сўз билан айтганда иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлашдан манфаатдор бўлишларини кафолатлади.

Прокуратура органлари фуқароларга қонунларнинг мазмун-моҳиятини сингдириб бориш билан бирга тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишмоқда. Шу тариқа Наманган шаҳрида амалдаги қонунларга риоя қилиб, хориждан келтирилаётганлар билан бемалол рақобатлаша олувчи, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, юқори савияда хизмат кўрсатаётган янги иш ўринларини яратаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб боряпти.

(Давоми 2-бетда).

# ХАЛҚ ХИЗМАТИ ШАРАФЛИ

Бу пурмаъно сўзлар мамлакатимиздаги барча банк муассасаларига илиб қўйилган. Мана шу ибора банк тизимида ишловчи ҳар бир ходимнинг шиорига айланган. Дарҳақиқат, жамият иқтисодиётининг қон томири бўлмиш банклар халқнинг ҳақиқий кўмакчисига айланиб бормоқда. «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган ибора ҳам кун тартибидаги муҳим масала бўлиб турибди.

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган банклардаги хизмат бугунги кун талаблари даражасида бўлаяптими? Банкларнинг барчаси мижозлар ишончини оқлаяптими? Биринчи даражали ижтимоий тўловлар ўз вақтида тўланаяптими? Банк тизимида хизмат даражасини ошириш учун нима ишлар қилинмоқда? Шу каби бир қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Самарқанд вилоят бошқармасида бўлиб, саволларимизга жавоб олдик.

Фуқаро бекорга бирор идорага ариза кўтариб бормайди. Бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин. Бироқ ана шу фуқаронинг мурожаатига ўз вақтида ва одилона муносабат билдириш мутасаддиларнинг бирламчи вазифаларидан саналади. 2008 йил давомида бошқармага 217 та ёзма мурожаатлар келиб тушган. Уларни ўрганиш натижасида 59 та мурожаат ижобий ҳал этилган. 127 таси бўйича тушунтириш ишлари олиб борилган, 31 та хатлар аноним, тегишли асосга эга бўлмаган, тасдиғини топмаганлиги учун рад этилган. Бу рақамларни бекорга келтирмадик. Сал эътибор берадиган бўлсак, аризачиларнинг тоифаларга бўлиниши, мақсади аниқ бўлган биринчи ва тегишли тушунчага эга бўлмай туриб нотўғри мурожаат қилган иккинчи тоифа ҳам бор. Уларга сал тушунча бериб, тўғри йўл кўрсатилса бас. Аммо ҳали ҳам одамлар асабига тегиш, кимгадир зиён етказиш учун ғаразли мақсадда ариза-шикоятлар ёзаётган кимсалар ҳам учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Банк фаолияти ҳақида аҳолига қанча кўп маълумот берилса, тарғибот самарали бўлса, аризалар шунча камаяди. Шунинг учун банк тизимида бўлаётган янгиликларни ҳамюртларимизга доимий равишда етказиб туриш, банк хизматининг янги турларини тушунтириш, аҳолининг ортиқча маблағларини ўзаро фойдали тарзда банк омонатларида сақлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳар бир банкнинг матбуот ёки маркетинг бўлимларида режалаштирилиб, амалга ошириб борилмоқда. Матбуотдаги чиқишлар бўйича қатъий графиклар ишлаб чиқилган. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан мунтазам алоқалар йўлга қўйилган. Айниқса, вилоят телевидениелари орқали банк ходимлари тўғридан-тўғри савол-жавоб шаклида ташкил этиладиган «Бевосита мулоқот», «Долзарб мавзу» каби кўрсатувлар доимий равишда эфирга чиқиб турибди.

Газеталарда мақолалар билан мунтазам иштирок этиш йўлга қўйилган. Ўтган «Ёшлар йили»да амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам анчагина. Вилоят тижорат банклари томонидан 2008 йил давомида 3315 та ёш оилага 11644,3 минг сўмлик кредитлар берилган. Шундан 282 нафар ёш оилага 5459,6 млн. сўмлик уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун ипотека кредитлари берилди. 1826 нафар ёш оила эса 3490,2 млн. сўмлик истеъмол кредитлари олиб, ният қилган хонадон жиҳозларини сотиб олишди. 1207 нафар ёш оила эса 2694,5 млн. сўмлик микрокредитлар олиб, моддий аҳволини яхшилаш, ўз оилавий бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлишди.

(Давоми 3-бетда).

# ҚОНУНГА ЗИД ИШ

**Қонунга зид ишларни амалга ошириш йўли билан шахсий бойлик орттириш илинжида юрган фуқароларимиз ҳам ора-сира бўлса-да, учраб турибди. Тўғри, шахсий бойлик орттириш ҳар кимнинг ҳуқуқи... Ҳар бир фуқаро дангиллама уйлар қуришга, минглаб меҳмонларни чақириб тўйлар қилишга, қўша-қўша машиналар олишга ҳақли, ҳеч ким уларга бу ишларни тақиқлаб қўя олмайди. Аммо бу ишларнинг барчаси қонуний йўл билан, пешона терини тўкиб топган маблағлари ҳисобига қилиниши шарт, акс ҳолда одил суд олдида жавоб беришга тўғри келади.**

Қонунга зид равишда шахсий бойлик орттирмоқчи бўлганлардан бири Бухоро вилоятида таваллуд топган, тўртта фарзанднинг онаси, нафақахўр Мавжуда Самандарова бўлиб чиқди. (Исм-фамилиялар ўзгартирилган). М.Самандарова 2007 йил 13 декабрь куни «Медлайф» суғурта компанияси менежерларининг семинарида иштирок этиш учун Тошкент халқаро аэропортидан Туркияга учиши керак эди. Шу ўринда унинг чет элларга қилаётган ушбу сафари биринчиси эмаслигини, илгари опахон Туркия, Эрон ва Бирлашган Араб амирликлари каби давлатларда бир неча марта сафарда бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Яъни, опахон сафарга ўзи билан нималар олиши мумкин-у, нималар олиши мумкин эмаслигини, сафарга ўзи билан қанча нақд хориж валютаси олишга ҳақли эканлигини аъло даражада билган. Ўзининг айтишича, бир-иккита мол-ҳолини сотиб, таниш-билишлардан қарз кўтариб 12500 долларни тўплаган. Опахон бу пулларнинг 2000 долларини божхонада баённома тўлдириб олиб ўтиш мумкинлигини аниқ билган. Аммо қолган 10500 доллар нима бўлади? У бу пулларни бир қисмини баённомада кўрсатиб, қолганини қонунга зид равишда яширинча олиб ўтишни режалаштирган.

12500 доллардан 5000 АҚШ долларини декларацияда кўрсатиб, қолган 7500 доллардан икки мингини «Hair Color» ёзувли соч бўёғининг қутиси ичига, 3000 долларни «Pacco rabanne homme» ёзувли дезодарант идиши ичига ва 2500 долларни «Lady Spead Stick» ёзувли идиш ичига яширган ва уларни сумкачасига солиб, багажга топшириб юборган. Божхона ходимига эса «мана, баённомада кўрсатилган 5000 доллар, ундан икки мингини мен олиб ўтишга ҳақлиман» деган. Уч минги учун эса чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга лицензияси бўлган ваколатли банкнинг рухсатномасини тақдим этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги 1979-сонли «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ резидентлар, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим тураржойга эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар 2000 АҚШ доллари қийматига тенг бўлган валютани мамлакатдан ташқарига чиқариб кетишларига рухсат этилади.

Фармоннинг 1-бандида резидентларга 2000 АҚШ долларидан ортиқча нақд хорижий валютани четга олиб чиқиш учун ваколатли банкларнинг рухсатини олиш кўрсатилиб, Адлия вазирлигида 1999 йил 7 майда 716 рақам билан рўйхатдан ўтган Йўриқноманинг 2-бандига кўра, 5000 АҚШ долларигача миқдорда нақд хорижий валютани четга олиб чиқилишига ваколатли банклар, ундан ортиқ миқдордагисини олиб чиқилишига Республика Марказий банкининг рухсати билан йўл қўйилади.

Норезидентлар, яъни резидент мақомига эга бўлмаган шахслар эса республика ҳудудига киришда тўлдирган божхона баённомасига мувофиқ равишда ўзи билан олиб келган валюта миқдоридаги маблағларни республика ҳудудидан чиқариб кетишга ҳақлидирлар. Ушбу суммадан ортиқча бўлган чет эл валютасини мамлакат ҳудудидан чиқариб кетиш учун эса Марказий банкнинг ёки чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга лицензияси бўлган бошқа ваколатли банкларнинг рухсати талаб этилади.

М.Самандарованинг юклари текшириб кўрилганда унинг яширинча олиб ўтмоқчи бўлган 7500 доллари топилди. Бу пулларга у Туркиядан арзон-гаровга моллар харид қилиб, Ўзбекистонда уларни қимматроқ сотиб, бойлик орттирмоқчи бўлган. Бир қараганда ҳаммаси одатий ҳолдек бўлиб туюлади, зеро пул опахонники. Бундан ташқари, бир бозордан арзонроқ олиб, бошқасида қимматроқ сотиш ва шу йўл билан рўзғор тебратишни ҳам ҳали тасаввурга сиғдирса бўлади. Аммо ҳамма гап шундаки, буларнинг барчаси қонуний йўл билан қилиниши керак. Сафар олдидан у Марказий банкка бориб, мана шунча пулим бор, сафардан қайтишда вилоятимизда камёб бўлиб турган мана бу нарсаларни келтираман, деб рухсатнома олганда нур устига нур бўлмасмиди?! Аммо унинг ҳакалак отган нафси қонунга зид ҳаракатларни содир этишга бошлади. М.Самандарова Божхона тўғрисидаги қонунни бузди. Натижада яширинча ўтказмоқчи бўлган 7500 доллари давлат эгалигига ўтказилди. Ўзи энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баробари миқдорида жарима жазосига тортилди.

**Бобур ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Бош прокуратура бошқарма катта прокурори**

# МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАН ЧЎПОН

Инсон ким бўлишидан, қандай иш билан шуғулланишидан қатъи назар, аввало зиммасидаги бурч ва масъулиятни унутмаслиги шарт. Акс ҳолда...

Томди тумани «Жана шаруа» ширкат хўжалигининг «Молали» фермаси икки-уч йил бош чўпон бўлиб ишлаган Хожабек Кадиров масъулият ҳиссини афсуски, унутиб қўйган экан. Ахир ширкат хўжалигининг мол-мулкига кўз олайтириш, уни талон-тарож қилинишига сабабчи бўлиш ўз номи билан жиноят-ку!

2008 йилнинг ноябрь ойида ширкат хўжалиги томонидан унинг отаридаги моллар ҳисоб-китоб қилинади ва Хожабекнинг «сир»и очилади. Ўзига ишониб топширилган майда шохли моллардан 155 бош ҳамда бир бош туяни ўзлаштириб ҳам «туя кўрдингми, йўқ» қабилида юрган Хожабек ширкат хўжалигига 7 млн. 65 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланади. Шунингдек, унинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошганлиги оқибатида хўжаликнинг 2 млн. 925 минг сўмлик 65 бош қўйи қаровсизликдан нобуд бўлган экан.

Судда Хожабек Кадиров айбига тўлиқ иқрор бўлди. У қўйларни тижоратчиларга сотиб юборганини тан олиб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, қилмишидан пушаймонлигини билдирди. Суд томонидан буларнинг ҳаммаси инобатга олинди. Унга икки ярим йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланиб, иш ҳақидан маълум фоизини давлат даромадига ўтказиш белгиланди.

**Содиқ ЖЎРАЕВ,**
**Томди туман прокурорининг ёрдамчиси**

# СОХТАКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқароларнинг газ ва электр тармоқларига ноқонуний уланишининг олдини олиш борасида ишлаб чиқилган тадбирлар ижросига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.**

Вазирлар Маҳкамасининг электр энергиясидан фойдаланилган учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш, ундан фойдаланишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва газ таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид қарорлари ижроси юзасидан «Қоракўл электр тармоқлари» ва «Қоракўлтумангаз» корхоналарида ўтказилган текширишларда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Текшириш натижасига кўра туман прокуратураси томонидан корхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов ҳаракатлари якунланиб, айблов хулосаси жиноят ишлари бўйича туман судига юборилган.

Туман электр тармоқлари идораси бошлиғи энергия сотиш бўйича усталар ва муҳандислар билан жиноий тил бириктирган. Улар мансаб ваколатини қасддан суиистеъмол қилиш, ҳужжатларни сохталаштириш, ўзганинг жуда кўп миқдордаги маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган. Улар хизмат вазифаларини қасддан бажармаслик оқибатида 2008 йил 1 ноябрь ҳолатида 530.468.772 сўмлик муддати ўтган қарздорликка йўл қўйишган. Боз устига, бу қарздорликни ундириш чораларини кўрмай, давлат солиқ инспекциясига 49.238.600 сўмлик муддати ўтган қарздорлик рўйхати тақдим қилинган.

Сохтакорликда пихини ёрган бу мансабдорлар 2006-2008 йилларда жами 3.757.754.432 сўмлик маблағларни растрата йўли билан талон-торож қилиб, муддати ўтган дебитор қарздорликни ҳисоботлардан яширганликлари аниқланди.

«Қоракўлтумангаз» мансабдор шахслари томонидан ҳам мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлигига йўл қўйиш йўли билан давлат ва фуқароларнинг манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган. Улар 493 млн. сўмлик газни бухгалтерия ҳисоботларига қўшиб ёзиб, асоссиз равишда балансдан чиқаришган. 2008 йилнинг август ойига қадар хонадонларга етказиб берилган газ ҳажмлари бўйича амалга оширилган газ тўловларининг қонунийлиги танлов асосида текширилди. Бунда 221 та аҳоли абонентларидан 62 нафари бошқа мақсадларда сарфланган 46595 м³, 164.875 сўмлик газ ҳажмини қўшиб ёзиш ва 1.506.254 сўмлик газдан ноқонуний фойдаланишга йўл қўйилган. Оқибатда жами 2.671.129 сўмлик табиий газ ҳужжатлари қалбакилаштирилиб талон-торож қилинган. Туман прокуратураси томонидан қонунбузилишларга йўл қўйган раҳбар ва мансабдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

**Жўрабек САФАРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

# ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Шаҳар прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига бирдай риоя этилиши ўрганиб, таҳлил қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларига тўсқинлик қилиш, иш жараёнларига ғайриқонуний аралашиш ҳолатларининг олди олинмоқда. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида ишонч телефони ташкил қилиниб, оммавий ахборот воситаларида эълонлар бериб борилияпти. Фуқароларга ишонч телефони битилган 7000 та «визитка» — ташрифномалар тарқатилди. Шаҳар ҳокимлиги ва жойларда ўтказилган бевосита мулоқотларда қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти шарҳлаб берилди. Юқоридаги тадбирлар билан бирга ҳокимлик, назорат идоралари, банк муассасалари, бозорларда кўзга кўринарли жойларга илиб қўйилган «Тадбиркорлик субъектлари диққатига!» деб номланган мурожаатнома бесамар кетмади. Бюрократик тўсиқларга дуч келган тадбиркорларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Сансалорликка чек қўйилди. Чунончи, тадбиркорларнинг икки нафарига 0,74 гектар ер, тўрт нафарига салкам 500 миллион сўм кредит маблағларини ажратиш, икки нафарига 10,5 миллион сўм ҳақларини ундириш, икки нафарига муҳандислик иншоотлари учун техник шартни, иш бошлаш учун рухсатномани олиш борасида амалий ёрдам берилди.

Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси»нинг фаолияти таҳлил қилинганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аввало, тадбиркорларнинг аризалари белгиланган муддатларда ҳал этилмаган.

Мисол учун, фуқаро В.Раҳмоновнинг савдо шахобчаси қуришга ер ажратиш тўғрисидаги аризаси бўйича архитектура бошқармасига чиқарилган хат муаллақ қолган. Бошқарма мутахассиси К.Мамадалиев ушбу хатда кўрсатилган ҳолатларни ўрганиб жавоб йўллашни пайсалга солиб келган. Рўйхатга олиш инспекцияси эса тадбиркорга аризаси кўриб чиқилаётгани, натижаси маълум қилиниши хусусида жавоб хатини йўлламаган. Шунингдек, Д.Ҳикматов, Қ.Эгамбердиев, Қ.Парпибоев, З.Шамсуддиноваларнинг маиший хизмат, савдо шахобчалари қуриш учун, А.Низамовнинг фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратиш тўғрисидаги аризалари архитектура бошқармаси ходимлари икки ойдан тортиб беш ойгача вақт мобайнида ўрганишмаган, хулосаларини тақдим этишмаган.

Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоғига уланишлари учун зарур техник шартларни 3 кун муддатда тайёрлаб рўйхатга олиш инспекциясига тақдим этишга оид қонун талабларига ҳам риоя қилинмаган. «Зилол озиқ-овқат савдо» МЧЖ нинг аризаси бўйича буюртма 44 кун ўтгач, «Муслим Тиб шифо» хусусий корхонасининг аризаси бўйича буюртма эса 38 кунда тайёрлаб берилган. Яна тўрт нафар фуқаро техник шартларни олиш учун инспекцияга бир неча ҳафта қатнашга мажбур бўлишган. Юқоридаги қонунбузилишларига йўл қўйган 9 нафар масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Давлат санитария эпидемиология маркази тадбиркорлик субъектларини текшириш мобайнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш хусусида огоҳлантириш бериш ўрнига асоссиз равишда жарима қўллаган. Шаҳар ДСЭНМ бош врачининг асоссиз қарорларига нисбатан протест киритилди.

Шаҳар статистика бўлими фаолиятини таҳлил этиш жараёнида ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар юзага чиқди. Хусусан, «Наманган техника» МЧЖнинг бош ҳисобчиси А.Тўраев расмий хизмат сафарида бўлгани туфайли кичик бизнес ҳисоботини кеч топширган. Бундай ҳолатларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекснинг 21-моддасига биноан огоҳлантириш берилиши лозим. Бироқ, бош ҳисобчи ушбу кодекснинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, асоссиз равишда 175800 сўм жарима тўлаган. Беморлиги, даволангани туфайли кичик бизнес ҳисоботини вақтида топшира олмаган «Саховат» МЧЖнинг бош ҳисобчиси Х.Нажмиддинов ҳам қонунда кўзда тутилганидек, кам аҳамиятли қилмиш учун огоҳлантирилмасдан жаримага тортилган. Статистика бўлимининг ушбу қарорларига нисбатан 2 та протест киритилди.

Шунингдек, банкротлик ҳолига тушган саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни қайта изга солиш, ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шаҳар прокуратураси иқтисодиёт жадал ривожланиши, фуқароларнинг турмуш даражаси ўсиб боришига зарур шарт-шароитларни яратиб берган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлаш устида доимий иш олиб бормоқда. Тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам бермоқда.

**Бахтиёржон ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Наманган шаҳар прокурори**

Мустақиллик, энг аввало фарзандларимизнинг бахтидир. Бугун уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўқиш, касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгаймоқда. Биргина ўтган йилда «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида амалга оширилган ишларни олиб кўринг. Бошқа қайси давлатда ёш авлодга шунчалик кенг қамровли ғамхўрликлар кўрсатилиб, юксак ишонч билдирилмоқда?! Комил ишонч билан айтиш мумкин, юртимизнинг эртаси порлоқ. У ишончли қўлларда.




# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

## фақат уларга эътибор, ғамхўрлик, шароит керак

Табиийки, ҳар бир болада билим олиш, бирон бир касб-ҳунарга интилиш ва қобилият бўлади. Улардаги ана шу интилиш ва иқтидорни юзага чиқариш, тарбиялашда мактабдан ташқари таълим муассасалари, ижодиёт марказларининг аҳамияти жуда каттадир. Дарсдан бўш вақтида ўзи қизиқадиган бирон фан ёки касб ўргатиладиган тўгаракка қатнашадиган болалар ҳеч қачон ҳуқуқбузарлик кўчасига киришмайди, келажакнинг ҳам мустаҳкам пойдевори бўлишади.

— Марғилон шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази қошида фаолият юритиб келаётган «Жаҳон отин Увайсий» номли ёш қаламкашлар тўгараги бу йил ўн ёшга тўлади, — дейди тўгарак раҳбари, шоир Исмоил Маҳмуд Марғилоний. — Ўтган йиллар мобайнида тўгарагимизда ўзбек адабиётининг юзлаб ворислари камол топди.

Дарҳақиқат, бу адабий тўгарак фаолияти ва унинг иштирокчилари эришиб келаётган ютуқлар ҳақида республикада ҳам яхши билишади. Шу ерда қалами, тафаккури чархланиб камол топган ёш ижодкор қизлардан уч нафари – Дилфуза Содиқова, Наргиза Охунова, Нилуфар Абдуғаниевалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишди. Абдубанноб Мансуров, Назира Мақсуд, Дилнавоз Қўлдошевалар эса «Янги авлод», «Келажак овози» танловларида ғолиб чиқишди.

Ўқувчилар ижодиёти марказидаги бошқа тўгараклар иштирокчиларининг ютуқлари ҳақида ҳам ифтихор билан гапириш мумкин. Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги зардўзлик, попопчилик, дурадгорлик тўгаракларида бу ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганаётган ёшлар ўзлари тайёрлаётган маҳсулотлар билан турли даражадаги танловларда муваффақиятли иштирок этиб, Марғилон шаҳри шуҳратига шуҳрат қўшишмоқда.

Яқинда шаҳар прокуратураси томонидан марказ ва мактаблардаги тўгараклар фаолияти ўрганиб чиқилди. Ютуқлар ўз йўлига-ку, камчиликлар ҳам бор экан. Тўгаракларнинг моддий-техник таъминоти етарли эмас. Хоналардаги машғулотлар ўтиш, ўргатиш жиҳозлари, стол-стулларнинг аксарият қисми эскирган. Ҳатто юқорида келтирилган ёш ижодкорларга машғулот ўтиладиган хона талабга жавоб бермайди. Совуқ. Стуллар етишмайди...

Ўтган йили вилоятда, шу жумладан Қўқон шаҳрида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этиш даражаси ортиб кетди. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, тўгараклар фаолиятини намунали йўлга қўйишга баъзи шаҳар ва туманларда етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги ҳам шундай сабаблардан биридир. Хусусан, вилоятнинг ғарбий дарвозаси бўлган Қўқон шаҳридаги ўқувчилар ижодиёт марказларининг ҳолати, моддий-техник базаси мутлақо талабга жавоб бермайди. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган вилоят прокуратураси ҳайъати йиғилишида ҳам айтиб ўтилди.

Қуйидаги маълумотларга эътибор беринг. Шаҳарда 41 та умумтаълим мактаби ва 5 та ўқувчилар ижодиёт марказлари мавжуд. Марказларга тегишли бўлган 95 та тўгаракларга 3502 нафар, мактаблардаги 1256 та тўгаракка 25210 нафар ўқувчилар жалб этилган. Ҳақиқатда эса...

«Истиқлол» кўчасидаги 12-уйда Ёш техниклар ижодиёт маркази жойлашган. Асосий бино қўш-қаватли, лекин ичидаги аҳвол ташвишли. 18 та тўгарак фаолият олиб бораётган марказ хоналари совуқ, иситиш тармоғи ишламайди. Хоналар кўчиб кетган одам хонадонига ўхшайди. Томдан чакка ўтади, деворлар ёрилиб, «гуллаб» ётибди. Ўқувчилар тайёрлаган маҳсулотлар қўйилган кўргазма залига бош суқиб бўлмади, шифти ёрилиб, чанг босиб ётибди. Жиҳозлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳаммаси эскириб бўлган, ямоқ-юмуқ... Ягона бўлган компьютер ҳам ишламайди... Ички камчилик, етишмовчиликлар етмаганидек, марказ биносига тираб, олд қисмини тўсиб, кўп қаватли бинолар қуриб юборилган.

2-ўқувчилар ижодиёт маркази 1912 йилда қурилган, тарихий обидалар рўйхатига киритилган қўш-қаватли бинода жойлашган. Тўғриси, бино «аварийний» ҳолатда. Хоналар деворлари, шифтлари ёрилиб, нураб ётибди. 10 йилдан бери бир амаллаб таъмирлаб келишади. Газ йўқ, хоналар совуқ, қоронғу... «Истеъдод» рақс гуруҳи қатнашчилари саҳна яроқсиз ҳолга келганлиги, кийиниш хонасининг девори ағанаб тушганлиги учун темирйўлчилар саройига бориб машғулот ўтишга мажбур бўлишмоқда. «Сеҳрли гўзаллик» тўгарагидаги тикув машиналари эски, 8 йилдан бери бирорта ҳам машина олинмаган. Шароит етарли бўлмагани учун тўгаракларга келаётган ўқувчилар сони оз.

Марказ раҳбари М.Ғафурова бизни компьютер хонасига олиб кирди. Буни қарангки, бу ерда Болгарияда ишлаб чиқарилган, 1991 йилда истеъмолдан чиқиб кетган 10 та компьютер турибди. Уларнинг учтасигина ишлар экан, холос. Бошқа жиҳозлар ҳам алмисоқдан қолган, аксарият стол-стуллар таъмирлавериб, мих қоқадиган жойи ҳам қолмаган.

«Қўқон садоси» номли кўчада жойлашган 1-ўқувчилар ижодиёт маркази вилоятдаги намунали, мактабдан ташқари муассасалар сирасига кирар экан. Бино 1912 йилда қурилган бўлиб, бу ерда 7 та, мактабларда 23 та тўгарак фаолият юритмоқда. 1141 нафар ўқувчи турли тўгаракка қатнашмоқда. Хоналар иссиқ. Фақатгина бу ерда ҳам жиҳозлар эски, улардан бир амаллаб фойдаланилмоқда. Шаҳар прокуратураси ёрдами билан марказдаги талай муаммолар бартараф этилганига гувоҳ бўлдик. Шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Т.Ҳасановни ҳам шу ерда учратдик. Тўгарак машғулотларини кузатаётган экан...

Ёш техниклар ижодиёт марказининг авиамоделчилар тўгараги қатнашчилари ўтган йили Чехияда ўтказилган халқаро мусобақада ғолиб бўлишибди. 2-ўқувчилар ижодиёти марказининг «Истеъдод» рақс гуруҳи қатнашчилари эса «Янги авлод» болалар ижодиёти республика фестивали сертификатини олишга мушарраф бўлишди. Яна қатор ютуқлар бор. Шундай интилувчан, изланувчан, иқтидорли ўқувчиларга ижодиёт марказлари ва мактаблардаги барча турдаги тўгаракларда шуғулланишлари учун рисоладагидек шарт-шароит яратиб бериш керак эмасми?! Тўғри, шаҳар халқ таълими бўлими томонидан бу борада яхши режалар тузилиб, аҳволни тубдан ўнглаш ҳаракатлари бошланган. Шаҳар ҳокимлигининг ҳам амалий кўмаги зарур. Қўқонда ким кўп, тадбиркор кўп. Нега уларнинг бу борадаги ҳомийликларини ташкиллаштириш мумкин эмас?! Шубҳасиз, ёрдам сўралса, улар «лаббай» деб жавоб беришади. Ахир гап ёш авлодни соғлом турмуш тарзи, етарли шарт-шароит асосида тарбиялаш ҳақида кетмоқда-ку?!

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида, «Барчангизга яхши аёнки, болаларимизнинг қалбида гўзаллик ва эзгуликка интилишни кучайтириш ва шу асосда жамиятимизнинг маданий савиясини ошириш биз учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади», деб алоҳида таъкидлади. Фарзандларимиз кўнглида гўзаллик ва эзгулик туйғуларини шакллантиришда мактабдан ташқари муассасаларнинг ҳам катта ўрни борлигини асло унутмаслик керак.

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**журналист**

# КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Вилоятимизда ўтган йили «Ёшлар йили» давлат дастури бўйича 55616 ўринга эга бўлган 203 та умумтаълим мактабининг вақтида фойдаланишга топширилиши юзасидан 33 млрд. 483 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 12570 ўринли 17 та касб-ҳунар коллежлари ва 50 ўринли ётоқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, ана шундай шарт-шароитларда ўқиётган ўғил-қизларимиз талай муваффақиятларга ҳам эришмоқдалар. Биргина жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштириш натижаси ўлароқ, республика, Осиё ва ҳатто жаҳон миқёсида ўтказилган мусобақаларда вилоят ёшлари фаол иштирок этиб 160 та олтин, 101 та кумуш ва 148 та бронза медалларни қўлга киритишган.

Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда ҳудудий комиссиялар, прокуратура ҳамда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари ўтказилди. Мазкур тадбирларда 14522 нафар ёш иш билан таъминланган бўлса, 18-35 ёшдаги 3412 нафар ногирон квоталанган ва касаначилик йўли билан ташкил этиладиган иш ўринларига жойлаштирилди. Шунингдек, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш ўринларга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига эътибор қаратиб келинмоқда.

Ҳудуддаги ижтимоий муҳофазага муҳтож болалар манфаатларини ҳимоялаш борасида инсонпарварлик ёрдами сифатида АҚШ, Япония ва Жанубий Кореядан кийим-бош ва ўқув қуроллари олиниб, вояга етмаган ногиронларга, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига тарқатилди. Ўрта-махсус, касб-ҳунар бошқармаси муассасаларида таълим олаётган боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила фарзандларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 33 млн. 423 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилган. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сўнгги пайтларда жойлардаги «Меҳрибонлик уй»ларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва тарбияланувчиларга қулай шарт-шароит яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Қарши шаҳридаги 3-сонли «Меҳрибонлик уйи»нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 394 млн. сўм сарфланган. Албатта, бу каби ибратли ишлар кўнгли ярим болаларнинг келгусида жамият учун фойдали шахс бўлиб етишишида муҳим рол ўйнайди.

Вилоят прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижросига катта аҳамият берилмоқда. Ушбу қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилишлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 417 та тақдимнома киритилди. 357 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилиб, 478 нафарига нисбатан интизомий, 406 нафарига эса маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ва вилоят ИИБ ҳамкорлигида 2008 йилнинг июнь ойида вояга етмаганлар орасида қаровсизлик, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан «Ўсмир», август ойи давомида эса «Тозалаш» профилактик тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, вилоятда инсон ҳуқуқлари, унинг таркибий қисми бўлган бола ҳуқуқлари юзасидан тарғибот ишлари олиб бориш ва маънавий-тарғибот йўналишини тизимли ташкил этиш мақсадида ноябрь ойи «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тарғиботи ойлиги» деб эълон қилинди.Шу муносабат билан ўтказиладиган маънавий-маърифий дастурлар дастури ишлаб чиқилди.

Олиб борилган самарали ишлар натижасида 2008 йил мобайнида вилоят ҳудудида вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этиш кескин камайди.

Ёшларни келажагимиз эгалари деб кўп такрорлаймиз. Шундай экан, улар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига имконият яратиш жуда муҳимдир. Уларни турли ижтимоий фойдали тадбирларга кўпроқ жалб этиб, оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйсак бу борадаги ишларимиз ўзининг ижобий самарасини беради.

**Мусо ШАРИПОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ТЎҒРИ ЮРДИМ – ЕТДИМ МУРОДГА...

Ҳалол бўлганга нима етсин! Ҳам ишинг беш, ҳам юзинг ёруғ! Доно халқимиз «Тўғри бўлсанг, ўсиб гуя бўласан, эгри бўлсанг, ўсиб бориб кул бўласан» деб бекорга айтмаган.

«Бухоротекс» очиқ акциядорлик компаниясининг директори бўлмиш Шукрулло Давировнинг ҳам ишлари аввалига жойида эди. Корхонанинг гуллаб-яшнаши учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Шу мақсадда ОАЖ қошида дўкон очишни ҳам режалаштиради. Кўп ўтмай, яъни 2001 йилнинг май ойида Қоракўл туманида «Бухоротекс»нинг фирма дўконини очиш ҳақида буйруқ чиқади. Ўша куннинг ўзида таниши Ш.Шариповни дўконга раҳбар этиб тайинлайди.



Орадан ярим йилча ўтиб, нима бўлади-ю, Давировнинг миясига ишларини янада «беш» қилиш ғояси ўрнашиб қолади. Ва, унинг ташаббуси билан «Бухоротекс» ОАЖ ҳамда «Бухоротекс» фирма дўкони ўртасида 250 млн. сўмлик тайёр маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланади. Шундан сўнг Ш.Шарипов халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тўқув ва тикув дастгоҳлари ҳамда хомашё олишни рўкач қилиб, 2002 йилнинг бошида АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро минтақавий филиалига ариза билан мурожаат қилиб, уч йил муддатга 25 млн. сўм кредит сўрайди. Давиров эса фирма дўконининг молиявий аҳволини била туриб, дўкон билан рақамсиз «кафиллик» шартномасини тузади ва уни АЖдан рўйхатдан ўтказмай, банкка тақдим қилади. Натижада дўконга уч йил муддатга ойлик 25, йиллик 30 фоиз ҳисобида 25 млн. сўм кредит ажратилади. Ўз навбатида Шарипов тегишли тўлов топшириқномаси орқали кредит маблағидан 20 млн. сўмини АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказади.

Шундан сўнг Давиров юқорида қайд этилган, АЖ билан фирма дўкони ўртасида тузилган шартномага асосан дўконга 19.999.675 сўмлик маҳсулотларни юборади. Бу маҳсулотлар эса Шарипов орқали дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотилади. Тушган маблағ ўзаро бўлиб олиниши натижасида АЖнинг манфаатларига 41.778.302 сўмлик зарар етади. Бу ҳолат Давиров билан унинг шерикларини хавотирга солмай, аксинча, янги «иш»ларга ундайди.

Шундай қилиб, 2003 йилнинг ёз ойида Давировнинг янги «ғоя»си билан АЖ ва «Хоразмпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси таъсисчилигидаги Урганч шаҳар «Пахтачилик таъминоти» МЧЖ ўртасида 200 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузилади. Унга Давировнинг ўринбосари Р.Очилов имзо чекади. Шартномага асосан, 15 фоиз тўлов олдиндан амалга оширилиши лозим бўлса-да, бу иш қилинмайди. Аксинча, Давировнинг топшириғи билан АЖнинг хом-ашё билан таъминлаш ва чиқиндиларни сарф этиш гуруҳи раҳбари Ф.Хайриев, ҳисобчиси С.Рўзиева ва маҳсулот сотиш бўлимининг ҳисобчиси С.Исматовлар «Пахтачилик таъминоти» МЧЖдан «Бухоротекс» ОАЖга 30 млн. сўмлик тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги сохта маълумотлар билан авизони сохталаштириб, расмийлаштирадилар. Кейин эса, Давировнинг бошчилигида ўринбосари Очилов, маҳсулот сотиш бўлими бош мутахассиси С.Рўзматов ҳамда ҳисобчи С.Исматовалар МЧЖга 199.999.300 сўмлик тайёр маҳсулотларни ортиш учун рухсат берилган топшириқни имзолаб, ҳужжатларни такроран сохталаштиришади. Ҳужжатлар «расмийлаштирилгач», қалбаки авизо ҳамда тайёр маҳсулотларни ортиш учун рухсат берилган топшириқларга асосан АЖдан МЧЖга юқорида кўрсатилган суммадаги тайёр маҳсулотлар (бўз, бўз булаклари, мато ва бошқалар) олиб чиқилиб, нақд пулга сотиб юборилади. Сотувдан тушган пуллар эса кирим қилинмай, ўзаро бўлиб олинади.

Энди навбат АЖдан МЧЖга чиқим қилинган тайёр маҳсулотларнинг ўрнини ёпишга келади. «Уддабурон»лар бунинг ҳам йўлини топишади. Бунинг учун «Хоразмпахтасаноат» ХАБнинг «Бухоротекс» АЖ олдидаги 200 млн. сўмлик дебитор қарзини «Пахтачилик саноати» МЧЖ фойдасига воз кечиш ҳақида уч томонлама шартнома тайёрлашади. АЖ томонидан раис ўринбосари Р.Очилов, МЧЖ томонидан эса С.Эгамовлар имзо чеккан ушбу шартнома «Хоразмпахтасаноат» ХАБга тақдим қилинади. Аммо у ердагилар «ҳужжат»га имзо қўйишдан бош тортишади. Шунда С.Эгамов «Хоразмпахтасаноат»нинг муҳри ҳамда раис ўринбосари О.Каримовнинг имзосини ўзи «қойиллатиб» тайёрлайди ва АЖдан МЧЖга чиқим қилинган тайёр маҳсулотларнинг ўрнини «ёпади». Бироқ АЖнинг мутахассислари «Хоразмпахтасаноат» ХАБга ўзаро ҳисоб-китобларни солиштиришга борганларида, у ердагилар уч томонлама қарздорликдан воз кечиш ҳақидаги шартномани қалбакилигини айтиб қабул қилишмайди.

Бу ҳолатдан бошлари қотган АЖдагилар ўйлай-ўйлай, бир қарорга келадилар ва 2004 йилнинг март ойида МЧЖдан қарздорликни ундириб беришни сўраб Хоразм вилоят хўжалик судига мурожаат қиладилар. Суд ишни кўриб чиққач, «Пахтачилик таъминоти» МЧЖдан «Бухоротекс» АЖнинг ҳисобига асосий қарз ва суд харажатлари билан жами 201 млн. 05.00 сўм ундирилиши тўғрисида буйруқ чиқаради. Бу буйруқ ижрога қаратилиб, АЖнинг фойдасига МЧЖнинг балансидаги товар-моддий бойликлар ҳисобидан 31 млн. 302.700 сўм ундирилади. Қолган маблағни ундиришнинг имкони бўлмаганлиги учун ижро ҳужжати 2006 йилнинг февралида АЖга қайтарилади. Бунинг оқибатида «Пахтачилик таъминоти» банкротлик ҳолатига тушиб қолади ва Хоразм вилоят хўжалик судининг июнь ойидаги ажрими билан МЧЖ тугатилиб, Урганч шаҳар ҳокимининг қарори билан Давлат реестридан чиқарилади. Натижада эса қолган 168 млн. 697.300 сўм маблағ ундирилмай, АЖнинг 199 млн. 999.300 сўмлик мулки талон-тарож қилинади.

Булар АЖдагилар томонидан содир этилган ягона ҳолат эмас. 2003 йилнинг сентябрь ойида «Бухоротекс» АЖдан Когон «Хўжалик ҳисобидаги жамоа бошқармаси»га 200 млн. сўмлик тайёр маҳсулотлар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилади. Ушбу шартнома шартларига кўра, Когон «Хўжалик ҳисобидаги жамоа бошқармаси» ҳисоб рақамидан АЖнинг ҳисоб рақамига маблағнинг 25 фоизи олдиндан амалга оширилиши, маҳсулотлар олингандан кейин эса 60 кун ичида қолган 75 фоиз тўлов амалга оширилиши назарда тутилган бўлса-да, амалда бундай қилинмайди. Аниқроғи, пул ҳам ўтказилмайди, маҳсулот ҳам берилмайди. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди.

Ўша йилнинг ноябрь ойида «Муборакнефтгаз» УДП, Когон «Хўжалик ҳисобидаги жамоа бошқармаси», «Бухоротекс» АЖ, «Бухороэнергомарказ» ОАЖ, «Бухорогазтаъминот» ШК, «Ўзтрансгаз» АК ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Муборак бўлими ўртасида 150 млн. сўмлик мақсадли ва махсус рақамли схема тузилади. Юқоридаги «ўйин»дан мақсад ана шу схемада қатнашиш эди. Бунинг учун эса боя айтганимиздек, шартномани асос қилган ҳолда, гўёки АЖдан олинган тайёр маҳсулотлар учун қарздорлик мавжуд деган важни кўрсатиб, АЖнинг молия бўлими бошлиғи А.Мирзаев ҳужжатга раис ўринбосари Р.Очиловнинг имзосини қўйдиради. Бош ҳисобчи Ш.Саидовга эса жамият муҳрини бостиради. Сўнгра АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг минтақавий филиали бошлиғи А.Турсуновнинг имзоси билан банк муҳрини урдириб, схемада иштирок этишга муваффақ бўлишади. Бундай «усул» тезда ўз мевасини беради. Яъни, келаси ойда Когон «хўжалик ҳисобидаги жамоа бошқармаси» ҳисоб рақамидан «Бухоротекс»нинг ҳисобига 100 млн. сўм, 2004 йилнинг январида эса яна 50 млн. сўм пул ўтказилади. Маълум бўлишича, бу иш АЖнинг «Бухороэнергомарказ» АЖдан ҳақиқатда бўлган қарздорлигини ёпиш учун қилинган экан. Шу боис бу маблағ қарздорликни ёпиш учун тезда «Бухороэнергомарказ» АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Шундан сўнг, тўғрироғи, февраль ойининг бошида схема орқали АЖнинг ҳисоб рақамига туширилган 150 млн. сўм ҳисобига тайёр маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида раис ўринбосари Р.Очилов томонидан «Бухоротекс» АЖ билан Когон «Хўжалик ҳисобидаги жамоа бошқармаси» ўртасида сохта шартнома тасдиқланади. Ушбу сохта шартнома ва ишончномага асосан, АЖдан 149 млн. 999 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар олиб чиқилади.

Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланишга рухсатномаси бўлмаган бошқарма эса бу маҳсулотларни Бухоро ва Когон бозорларида нақд пулга сотгани етмаганидек, тушган маблағни хизмат кўрсатувчи банкка ҳам топширмайди. Аниқроғи, шунча пул уюшган гуруҳ аъзоларининг чўнтагини қаппайтиради...

«Тўғри юрдим — етдим муродга, эгри юрдим — қолдим уятга» дейилган мақолни Ш.Давиров билан унинг гумашталари эшитишмаган кўринади. Йўқса, тўғри йўл туриб, эгрисини танлашармиди...

**Сайдулла ЭЛМУРОДОВ,**
**Бош прокуратура бошқармасининг АМИБ катта терговчиси**

# ҲОЖАТБАРОР «ШИФОКОР»ЛАР

**Маълумки, ҳар қандай соҳанинг билимдони бўлиш учун ўрта ёки олий маълумот талаб қилинади. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизими соҳаси ўзгача муносабатда бўлишни тақозо этади. Бироқ... Сурхондарёда шундай «шифокор»лар бор эканки, улар тиббиётдан етарли билим олмасалар-да, «тоби қочган бемор»ларга қўлдан келганча шифо беришни ўзларининг бурчлари деб билишар экан. Шундайлардан бири термизлик Одил Бозоровдир.**

Ўтган йил октябрь ойининг сўнгги кунлари. Ногаҳон кўча эшик тақиллаб қолди. Одил эшикни очса, эски таниши Дима экан. Дима соғлиғи ёмонлашганини, «дори» топиб бермаса бўлмаслигини айтиб, ёрдам сўраб келибди. «Бемор»нинг дардига шифо бўлиш шифокорнинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини доимо ёдида тутувчи Одил шу заҳоти уйга кириб, бир ўрам «шифобахш дори»дан олиб чиқди. Дима илтимоси бажарилганидан хурсанд бўлиб, «халоскор»ига дори учун 5000 сўм чиқариб берди. Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади. Уйига етмасданоқ ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилганда ёнидан ўзи ҳозиргина харид қилган «дори» чиқди...

Шундай «шифокор»лардан яна бири Шаҳзода Маҳмадқулова экан. Тоби қочган «бемор» таниши қўнғироқ қилгач, Шаҳзода «даволаш»ни пайсалга солиб ўтирмай, тезда етиб келишини сўради. Нодир уникига келганда эса бир эмас, уч ўрам дорини олиб чиқиб берди-да, нархи 9 минг сўм бўлишини айтди. Бундай қимматдан боши осмонга етиб, сал бўлмаса бетоблигини унутаёзган Нодир Бўриев, ёнида бор-йўғи 3 минг борлигини, қолганини кейинчалик келтириб беришга рухсат сўради. Беморнинг дардига шифо бўлмаган шифокор шифокорми? Бу ақидани доимо ёдида сақловчи Шаҳзода ҳам соғлиқ биринчи, пул эса иккинчи даражали эканини айтиб, Нодирнинг кўнглини кўтарди. Нодир унга 3 мингни бериб, уйига равона бўлди. Уйига эндигина кирган ҳам эди, қадрдони Бахтиёр қўнғироқ қилиб қолди. Буни қаранг-ки, Бахтиёрнинг ҳам тоби қочиб, унга ҳам айнан шу «дори»дан керак экан.

Бир вақтлар «бир майизни қирқ бўлиб сйишган» эмасми, Нодир қадрдонининг дардини ўзиники деб билди. Шунинг учун ҳеч иккиланиб ўтирмай, дўстининг мушкулини осон қилишга шошилди. У билан учрашиб, айтилган «дори»ни бергач, уйига қайтаётганда ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилди. Чўнтагидан «дори»нинг ўзига атаб олиб қўйгани топилди...

Айтмоқчи, сал бўлмаса ҳожатбарор «шифокор»лар дорини қаердан олишларини айтишни унутаёзибмиз. Одил Бозоров нима бўлганда ҳам «импортний»си яхши деб, дорини қўшни Тожикистондаги «доришунос»лардан олиб келса, Шаҳзода Маҳмадқулова эса «узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши» деган мақолга амал қилиб, маҳалласидаги таниши Рустам Қўйлиевдан олишни маъқул кўрган экан.

Терговда аниқланишича, «бемор»лардан бири Тожикистонда туғилиб, ҳозирда Термиз шаҳрида яшовчи, илгари бир эмас, бир неча бор судланган Дмитрий Власов экан. Шунингдек, термизлик Бахтиёр Давлатов ва Нодир Бўриевлар ҳам муқаддам баъзилари бир, бошқалари эса бир неча бор суднинг қора курсисига ўтиришга улгурган шахслардан бўлиб чиқишди.

Суд уларнинг қилмишини кўриб чиқиб, «бемор»ларнинг ҳар бирига қилмишига яраша «дард»ларидан фориғ бўлишлари учун мажбурий даволаниш ҳамда турли муддатга озодликдан маҳрум этиш, шунингдек, героинфуруш «шифокор»лар —О.Бозоров, Р.Қўйлиев ва Ш.Маҳмадқуловаларга ЖКда белгиланган жазони тайинлади.

**Собиржон АЛИЕВ,**
**Термиз транспорт прокурорининг ўринбосари**



**Дунё ҳамжамияти XX аср охирига келиб глобал хавфсизликка халқаро миқёсдаги ҳамкорлик ва хавфсизлик тизимини яратиш орқали эришиш мумкинлигини англаб етди. Халқаро муносабатларда ўзаро ҳамкорлик ва шу орқали хавфсизликка эришиш масаласи кун тартибига қўйилди. Бугунги кунга келиб эса бундай ҳамкорлик ришталари янгича мазмун касб этмоқда.**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси халқаро хавфсизлик ва ҳамкорлик тизимини шакллантириш борасида олиб борилаётган тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда тинчлик-барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни бартараф этишдан иборат.

Куни кеча Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасида ташкилотга аъзо давлатлар вакиллари иштирокида навбатдаги илмий-амалий анжумани иш бошлади. ШҲТнинг минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган муаммоларга қарши кураш борасидаги фаолияти таҳлил этилган мазкур анжуман кун тартибида жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг ташкилотга аъзо давлатларга таъсирини камайтириш, халқаро терроризм ва наркотрафикка қарши кураш масалалари бўлди.

Мазкур анжумандан аввалроқ, ШҲТга аъзо давлатлар Бош прокурорлари иштирокида трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланган еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Шунингдек, мазкур йиғилишда одам савдоси, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш масалалари, бу борада олиб борилаётган тадбирлар муҳокама этилди.

Шу ўринда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Бундан 13 йил муқаддам, яъни 1996 йилнинг 26 апрелида Россия, Хитой ва Марказий Осиё давлатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари ҳамкорлигида «Шанхай бешлиги» ташкилотига асос солинган. Шу куни мазкур ташкилот иштирокчилари бўлган давлат раҳбарлари томонидан чегара ҳудудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга оид ҳужжат имзоланди.

2001 йилнинг 15 июлида ташкилот яна бир давлат ҳисобига кенгайди. Шанхайда бўлиб ўтган анжуманда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари иштирокида янги — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) ташкил топганлиги тўғрисидаги декларация имзоланди.

Халқаро ва минтақавий барқарорликка таҳдидлар янгича кўриниш олаётган, дунёнинг геосиёсий ва иқтисодий қиёфасида кескин ўзгаришлар юз бераётган шароитда ШҲТ каби минтақавий ташкилотларнинг ҳам аҳамияти чексиз. Шу боисдан ташкилотнинг нуфузи ортиб бормоқда. Минтақадаги Покистон, Ҳиндистон каби салоҳиятли давлатларнинг ШҲТга эътибори ортгани, Афғонистон, Мўғулистон каби давлатларнинг ташкилот фаолиятига қизиқиши ортиб бораётганлигининг ўзи ҳам бунинг исботи бўла олади. Мазкур давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг Тошкент саммитида меҳмон сифатида иштирок этишган эди.

ШҲТнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсадга келадиган бўлсак, жаҳон тажрибаси глобал ва минтақавий муаммоларга қарши курашнинг самарали усули мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. ШҲТнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир. Қолаверса, давлатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳамкорликнинг ривожланиб бориши нафақат минтақада, балки бутун дунёда хотиржамлик ва барқарорликнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этади.

ШҲТ ўз олдига урушлар ва турли ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини бартараф этиб, доимий тинчликка, фаровон ҳаётга эришишдек улуғ мақсадни қўйган. Ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳам хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади.

ШҲТнинг мамлакатимиз манфаатлари билан ҳамоҳанг яна бир жиҳати, унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий айирмачилик, наркотраффик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида намоён бўлади. Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШҲТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади, дейиш учун етарли асослар бор.

**Фаррух ЖУМАЕВ,**
**Қарши ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

# Ўғри милиционерлар

**«Газета» (GZT) нашрининг хабар беришича, МУРнинг тезкор ходимлари Москва Шарқий маъмурий округи ИИБнинг иккита эксперт-криминалистини қўлга олдилар. Улар турли орден ва медалларни ўмариб кетиш мақсадида уруш фахрийларининг уйларига ўғирликка тушиб юрган эканлар.**

Тергов маълумотларига қараганда милиция лейтенантлари Илья Лазарев (35 ёшда) ва Антон Романенко (24 ёшда) саккиз марта квартираларга ўғирликка тушишган. Тўғри, улар биринчи навбатда фахрийларнинг орден ва медалларини ўмаришган, пуллар ва турли тилло буюмларни олиб кетишдан ҳам ҳазар қилишмаган. Хабар қилинишича, Лазарев ва Романенко олтита Совет Иттифоқи қаҳрамони олтин юлдузини, ўнлаб Ленин ордени, Қизил байроқ ордени, Александр Невский ордени ва медалларни ўмариб кетишган.

Ўғирланган нарсалар ҳақиқий эгаларига қайтарилгани йўқ, қора бозорда улар ҳали сотувга чиққан эмас. Ўғрилар эса уларни қаерга яширганлари хусусида миқ этмаяптилар.

Эшикларни бузиб уйларга кириш техникасини аъло даражада билишгани, бундан ташқари ўзлари содир этган қилмишларни эксперт-криминалист сифатида ўзлари текширганликлари уларнинг ишини айниқса осонлаштирган.

«Газета»нинг хабар беришича, 2008 йил март ойида улар генерал-майор Анатолий Коломейцевнинг квартирасидан орденлар тақилган кителини ўғирлаб кетишган. Аммо кителга тақилган орденлар қалбаки бўлиб чиққан. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари сифатида воқеа жойига етиб келган ўғри-криминалистлар уддабурон генералнинг ҳақиқий орденлари унинг қизининг квартирасида яшириб қўйилганлигини аниқлашган. Тез орада қизнинг квартирасини ҳам ўғри уриб кетган.

МУР (Москва Жиноят қидирув бошқармаси) ходимлари ўғриваччаларни улар



Павел Корчагин кўчасидаги бир квартирага ўғирликка тушганларида қўлга олишди. Тезкор ходимлар ўғриларнинг кимлигини аллақачон аниқлаб олишган бўлиб, уларни жиноят пайтида қўлга олиш учун қулай пайт пойлаб туришган экан.

П.Корчагин кўчасидаги квартира соҳиби узоқ муддатли хизмат сафарига кетганлигини ўғрилар аниқ билишган, аммо унинг сафарга кетиши аъло даражада уюштирилганлиги, унинг орден ва медалларини қўриқлаш учун эса чапдаст тезкор ходимлардан иборат «қопқон» қўйилганлиги ўғриларнинг «етти ухлаб тушига ҳам кирмаган экан».



**ANSA ахборот агентлигининг хабар беришича, Аргентинада Casa Rosada номли президент саройи музейидан 1958-1962 йилларда давлатни бошқарган Артуро Фрондизининг асоси ва тасмаси ўғирлаб кетилган.**

# Музей тунаб кетилди

Тахминий маълумотларга қараганда, музейдаги ўғирлик апрель ойининг бошларида содир этилган. Полиция эса бу воқеадан 14 апрель сешанба куни хабардор этилди. Воқеани тергов қилаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳозирча жиноят содир этилган вақтни аниқлай олишгани йўқ.

ANSAнинг изоҳлашича, кейинги уч ой ичида музейдаги экспонатларнинг жойлашиш тартиби ўзгартирилаётганлиги боис у қисман ёпиқ эди.

Casa Rosadaдаги Аргентина давлат арбоблари ҳаёти билан боғлиқ экспонатлар кўргазмага қўйиладиган музей 2007 сентябрь ойида ҳам тунаб кетилганди. Ўшанда 1874-1880 йилларда Аргентина президенти бўлган Николас Авеланедага тегишли бўлган ва кўргазмага қўйилган соатлар ва ручкалар ўғирлаб кетилганди. Ўша ўғирлик содир этилгандан кейин музейда хавфсизлик чоралари кучайтирилиб замонавий видеокузатув тизими ўрнатилган.

# 13 ёшли босқинчи

**Associated Press агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Иллинойс штатидаги Пеория (Peoria) шаҳрида 13 ёшли бола банкка босқин уюштиришда гумон қилиниб, қўлга олинган.**




Шаҳар полицияси вакилларининг айтишича, Пеориядаги South Side банкининг бўлимига душанба куни чошгоҳ пайти босқин уюштирилган. Пистолет билан қуролланган босқинчи банкка бостириб кириб, инкассаторнинг пул тўла сумкасини олиб чиқиб кетган. Гувоҳларнинг айтишича, босқинчи қора шим ва свитер кийиб олган бўлиб юзини қизил рўмолча билан тўсиб олган экан.

Полицияга босқин тўғрисидаги хабар келиб тушгач, 36 минутдан кейин босқинчи қўлга олинган. Ўсмир банк яқинидаги гаражлардан бирига яшириниб олган экан. Аниқланишича, инкассаторнинг пул солинган сумкасига махсус қурилма ҳам ўрнатилган бўлиб сумка санкцияланмаган тарзда очилганда, яъни уни инкассатордан бошқа, махсус очиш сирини билмайдиган одам очганда у очувчига махсус бўёқ сачратар экан. Боланинг кийимларидан ўша махсус бўёқ излари топилган.

Пеория полицияси вакилларининг хабар беришича, ўсмир яширинган гараж яқинидан инкассатор сумкаси ва пистолет ҳам топилган. Ўсмир қамоққа олинган. Аммо пулдан дарак йўқ.



**АҚШ суди нацистлар концлагерининг собиқ қоровулини экстрадиция қилишни тўхтатиб турибди. Собиқ концлагер қоровули ўзининг Германияга экстрадиция қилинишига қарши курашмоқда. Сешанба куни Цинциннатидаги апелляция суди нацистлар концлагерининг собиқ қоровули Жон Демьянюкни АҚШдан Германияга экстрадиция қилинишини тўхтатди, деб хабар қилади Associated Press агентлиги.**

# Концлагер қоровули

Нацистларнинг 89 ёшли ёрдамчисини мамлакатдан чиқариб юбориш 11 соатга тўхтатилган. Бу вақт ичида суд унинг ўғли берган апелляция шикоятини кўриб чиқиши керак. Қоровулнинг ўғли, кичик Жон Демьянюк Цинциннатида бўлган вақтида Огайо штатининг Кливленд шаҳри яқинидаги отасининг уйига миграция хизмати ходимлари кириб келишган. Улар чолни автомобилга ўтирғизиб, Берк-Лейкфронт аэропортига етказишлари лозим бўлган. У зудлик билан Мюнхенга учиши керак эди.

Демьянюкларнинг кичиги айтган сўзларга қараганда, уларнинг оиласини тайёрланаётган экстрадиция тўғрисида огоҳлантиришмаган. Апелляция шикояти кўриб чиқилгунга қадар собиқ қоровул уйига қайтариладими, йўқми, бу ҳали номаълум, деб таъкидлайди агентлик. Демьянюк оғир касалликка чалинган. У мустақил ҳаракатлана олмайди.

2009 йил 11 мартда иммиграция ишлари бўйича апелляция палатаси Демьянюкни АҚШдан бадарға қилиш мумкинлиги тўғрисида навбатдаги қарорини чиқарган эди. Уни қамоққа олиш тўғрисидаги ордер 11 март куни Германия ҳукумати томонидан берилган. Унда айтилишича, асли украиналик бўлган бу шахс Польша ҳудудидаги Греблинка ва Собибор концлагерларида яҳудий миллатига мансуб 29000 асирни қатлиом қилишда иштирок этган, деб гумон қилинмоқда.

2002 йилда Демьянюк АҚШ фуқаролигидан маҳрум қилинган. 2005 йилда эса иммиграция суди уни ГФР, Польша ёки Украинага депортация (бадарға) қилишга рухсат берган. Жон Демьянюк эса нацистлар жиноятларига алоқадор эканлигини инкор этмоқда.

# Таиланддаги тартибсизликлар

Таиланд давлатида фуқаролар уруши бошланиб кетиши хавфи юзага келди. Таиланд суди мамлакатнинг собиқ бош вазирини қамоққа олишга санкция берди. Мухолифат аъзолари норозилик намойишларини тўхатиб туришга ваъда берган бўлсалар-да, армия қисмлари мухолифатчиларга қарата ўт очди.

Associated Press агентлигининг хабар беришича, Таиланд суди мухолифатнинг 14 та йўл бошчисини, шу жумладан, собиқ бош вазир Таксина Чинаватани қамоққа олишга санкция берган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 13 апрель душанба куни Бангкокда намойишчилардан икки киши ўлдирилган. Полициячилар уларнинг ҳалок бўлишига ҳеч қандай алоқамиз йўқ деб туришибди.

**«Internet» хабарлари асосида Йўлдош ПАРДА тайёрлади**

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Меҳринисо Салимовага турмуш ўртоғи

**Ғайрат ЗОКИРОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# 129 ЁШЛИ МОМО

Тўрткўл Қорақалпоғистоннинг йирик, аграр туманларидан бири. Бу ердан кўплаб уста пахтакорлар, санъаткорлар, давлат арбоблари, олимлар етишиб чиққан. Айниқса, мустақиллигимиздан сўнг туман таниб бўлмас даражада ривожланди. Тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очиб берилган.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган 129 ёшли Тўти момо Юсупова ҳам шу туманда яшайди. Асли қўҳна тўрткўллик (аввалги Ильич номли жамоа хўжалиги) бўлган онахоннинг ёшлиги, ўсмирлиги ҳам шу ерда ўтган. Отаси Ашир ота ҳам, онаси Улжон ая ҳам шу қишлоқда туғилиб ўсишган. Оддий ишчи бўлиб, деҳқончилик қилиб кун кечиришган.

Биз Тўти момо билан суҳбатлашиш мақсадида Тўрткўл туманига йўл олдик. Ҳамроҳларимиз Тўрткўл туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Фарҳод Аламбергенов ва туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Хадича Ибодуллаевалар бизга бугун туманда амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизларимизга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўлқинланиб гапириб беришди.

Тўти момо хонадонидаги саранжом-саришталик, озодалик бизнинг янаям диққатимизни тортди. Келинлари, невара-чевералари онахон хизматида. Тўти момо билан салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрадик.

— Замонамиздан айланай, — дейди онахон. — Биз кўрган кунларни ёшларимиз кўрмасин. Очарчиликни ҳам кўрдик, йўқчиликни ҳам кўрдик. Уззу-кун ишлаб қорнимиз тўйиб овқат емаганмиз. Турмуш ўртоғим Будан Байимбетов иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қийинчиликлар туфайли 62 ёшида вафот этди. Ундан Тоживой исмли бир фарзанд қолди.

Онахон кўзига ёш олди...

— Мен мактаб кўрмаганман, — дейди Тўти момо сўзини давом эттириб. — Алғов-далғов замонлар эди. Техника йўқ, қўш ҳайдаб, кетмон чопганмиз. Шу кунларга етказганига шукур. Ёлғиз ўғлимдан 4 ўғил, 2 қиз қолган эди. (Тоживой ўғли ҳам 1968 йили вафот этган). Ҳозир улардан 6 невара, 12 чевара, 3 нафар эварам бор. Уларнинг бири ўқитувчи, бири тадбиркор, яна бири механизатор, ишчи бўлиб ишлашяпти.

— Нима тилак-истакларингиз бор? — сўраймиз онахондан.

Онахон қўлини дуога очди.

— Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Ёшларимиз мустақиллигимиз қадрига етишсин. Ҳалол меҳнат қилиб, бахтли турмуш кечиришсин. Барча-барчага менинг ёшимни берсин.

Биз Тўти момони чарчатиб қўймаслик учун у билан хайрлашдик. Соғлик-саломатлик тиладик.

Онахон шу ёшга чиққан бўлса ҳам ҳали тетик, бардам. 1950 йилдан нафақада. Меҳнат фахрийси. У 2008 йил 2 август куни Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**



# ЗАМОНАНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

**Уяли телефонлар инсоният ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлгани исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Мулоқот, ҳаттоки алоқада бўлиш тушунчаси ҳам тубдан ўзгарди. Эндиликда аксарият кишилар жиринговчи ихчамгина симсиз восита ёрдамида 24 соат давомида суҳбатлашишлари мумкин. Уяли телефонлар турмушимизда катта ўзгаришларга сабаб бўлганига унчалик эътибор бермаслигимиз ҳам ҳақиқатдир.**

**Кўпайиб бормоқда**

Бугунги кунда дунёда тахминан 3,3 млрд. уяли телефон ишлаб турибди. Эътибор беринг, жаҳон аҳолиси сонининг тенг ярми. Уяли телефонлардан асосан катта ёшдагилар ва фаол турмуш кечирадиган кишилар фойдаланишини инобатга оладиган бўлсак, 100 кишига 158 та уяли телефон тўғри келаркан. Ҳаддан ташқари кўп!

**Сайёра хавф остида...**

Йилига 125 млн.дан ортиқроқ уяли телефонлар чиқитга чиқарилади. Йўқ, гап фақат ишдан чиққан уяли телефонлар ҳақида кетмаяпти. Уяли телефонларни ташлаб юборишга асосий сабаб кишилар уни замонавий ва янги русумдагисига алмаштиришларидир. Инсонлар севимли «ўйинчоқ»ларини алмаштириши муддатлари қисқариб бораётганига эътибор қаратсак (масалан, корейслар уяли телефонларини ҳар 11 ойда алмаштиришлари кузатилади) яқинда утиллаштириш муаммосига дуч келишимиз тайин.



**Биринчиси...**

Биринчи уяли телефон бундан 26 йил аввал пайдо бўлган. 1983 йилда Motorola DynaTAC 8000X русумли уяли телефон сотувга чиққан.

**Бюллетен ўрнига уяли телефон...**

Эстония кутилмаганда жаҳон ҳамжамиятида конституциявий ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнига илғор технологияларни татбиқ этиш борасида биринчилардан бўлди. Оддий қилиб айтганда, эндиликда Эстонияда сайловчилар ўзлари хоҳлаган номзодга уяли телефон орқали овоз беришлари мумкин. Бу нарса бир тарафдан, сайлов жараёнини осонлаштирса, иккинчидан, сайловчининг шахсини аниқлашга кенг имконият яратади. «Мобил сайлаш» асрини очиқ деб айтиш мумкин.

**СМСга «чалинган» корейслар...**

Статистика маълумотига қараганда, кореялик ўспирин бир йилда уяли телефони орқали тахминан 20 мингта СМС жўнатади (кунига тахминан 60 та СМС). Бошқа маълумотларда айтилишича, бугунги кунда кореялик талаба ёшларнинг 30 фоизи кунига 100 та СМС жўнатишади. Улар ўқишга қачон улгуришади, деган савол туғилиши табиий, албатта.

**Безориликда қулай...**



Уяли телефон орқали унинг эгасини яхшигина хавотирга солиш мумкин. Мисол учун, Англияда телефон эгаларини матнли хабар (СМС) орқали қўрқитишлар сони тобора ошиб бормоқда. Уяли телефон доим эгасида бўлиши ва ишлаб турганлиги сабабли телефон безорилари уни хоҳлаган пайтларида қўрқитишлари ва хавотирга солишлари мумкин. Унутманг, бундай қилмишлар ҳам қонун билан таъқиб этилади!

**Аксилтеррор восита...**

Пердю университетидаги олимлар махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда махсус уяли телефонлар тармоғини яратиш устида иш олиб боришмоқда. Махсус созланган ушбу уяли телефонлар яқинидаги радиоактив моддаларни аниқлаши мумкин. Террористик хуружлар асосан катта шаҳарлардаги гавжум жойларга қаратилганлигини инобатга олсак, олимларнинг юқоридаги кашфиётлари мантиқан жуда зарур ва катта аҳамиятга эгадир. Радиоактив моддаларни аниқлаш имконини берадиган уяли телефонлар тармоғи (агар у ишлаб чиқилиб, амалга туширилса) шаҳар аҳолисининг бевосита ёрдамида террористик хуружларнинг олдини олишда самарали натижаларга эришиш мумкин.

**Огоҳликка даъват...**

Кўпгина давлатларда уяли телефонлардан огоҳлантириш воситаси сифатида фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Тармоқ операторлари мижозларга кутилаётган ер силкинишлари, сув тошқинлари, қор кўчишлари ва бошқа табиий офатлар эҳтимоли ҳақида хабарларни тарқатиши кўплаб кишиларнинг ҳаётини асраб қолишда катта самара беради. Умуман олганда, уяли телефонларда фақатгина севган кишингиз билан ёқимли суҳбатлар ёки бизнес музокараларни олиб боришда эмас, балки фавқулодда вазиятларга тушиб қолиб, уяли алоқа орқали ёрдам кучлари чақирилганда ушбу мосламанинг оддий стационар телефондан қанчалик афзаллигини тушуниб етади киши.

**Мобил адабиёт...**

Уяли телефон ёрдамида китоб ёзиб китоб индустриясини ўйлантириб қўйиш фақат японларнинг қўлидан келади. Ушбу ўзгача ва антиқа усулда ёзилган романлар тезда оммалашиб муаллифларига катта даромадлар келтирди. Катта даромадга қизиққан ёш ижодкорлар ҳам мазкур усулнинг кашфиётчиларига эргашдилар. Айтиш жоизки, «мобил» адабиётлар ҳозиргача машҳурлик чўққисида турибди. 2007 йилда энг кўп сотилган ўнта китобдан бештаси уяли телефоннинг экранида ёзилган. Бундай, антиқа асарларнинг муаллифлари асосан ёш аёллар бўлиб, асарнинг сюжети уларнинг кундалик ҳаётларида рўй берган воқеаларга асосланади.



**Ёриттич сифатида...**

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уяли телефон эгаларининг ярмидан кўпроғи телефон экранидан ёритгич (фонарча) сифатида ҳам фойдаланишади.

**Тарих кўплаб урушларга гувоҳ бўлган. Улар қачон, қаерда бўлгани ёки катта-кичиклигидан қатъи назар ҳеч қачон яхшилик келтирмаган ва келтирмайди ҳам. Номинг ўчгур уруш билан боғлиқ қизиқарли фактлар борлиги ҳам ҳақиқатдир.**

# Осмон мовий эди...

Англияда Яков I ҳукмронлиги даврида аскарликка қабул қилиниш учун қирол ҳисобидан бир кружка пиво ичиб, аванс сифатида берилган бир шиллингни қабул қилиш етарли бўлган. Ёлловчилар пивохоналарда юриб ичига шиллинг солинган бир кружка пиво билан меҳмон қилишган ва пивохўр ўзи билмаган ҳолда аскарга айланган. Шу боис, вақтлар ўтиб британияликлар таклиф қилинган пивони ичишдан олдин синчковлик билан кружкани кўздан кечирадиган бўлишган.

* * *

1896 йилда Британия ва Занзибар ўртасида бошланган уруш роппа-роса 38 дақиқа давом этган.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши вақтида немислар ўта махфий равишда Голландия ҳудудида аэродром макетини қуришни бошлашган. У ердаги самолётлар, ангар, автомобиллар, ракетага қарши мудофаа воситалари, барча-барчаси ёғочдан ясалган. Кунларнинг бирида махфий қурилиш устидан учиб ўтаётган инглиз бомбардимончи самолёти сохта аэродромга биттагина бомба ташлаган. Шундан сўнг аэродром қурилиши бутунлай тўхтатилган. Ташланган бомба ҳам ёғочдан ясалган экан...

* * *

Сиам подшоҳларидан бири чекинаётган пайтида қўшинига душманга қарата тўпдан зўлдир ўрнига кумуш тангалар отишни буюрган. Натижада таъқиб қилиб келаётган душман аскарлари бутунлай каловланиб қолишган ва урушни бой беришган.

* * *

1812 йилда бўлиб ўтган урушда кўплаб рус зобитлари бекорга ҳалок бўлишган. Оддий халқдан чиққан аскарлар тунда француз талаффузини эшитишлари билан овоз келган томонни ўққа тутишган. Ўша пайтларда эса аксарият рус офицерлари француз тилидан бошқа тилни деярли билишмаган ва француз тилида бенуқсон сўзлашганлар.

* * *

Биринчи жаҳон уруши пайтида ёзувчи Аркадий Аверченко таҳририятлардан бирига уруш тафсилотлари ҳақидаги ҳикоясини топширган. Таҳририят цензори «Осмон мовий эди», деган жумлани ҳикоядан чиқариб ташлаган. Цензорнинг таъкидига кўра, душман жосуслари ушбу жумладан воқеа жанубда содир бўлаётганини англашлари мумкин эди.

* * *

1249 йилда болониялик аскарлардан бири Моденага қочади ва ўзи йўлда отига сув ичириш мақсадида эмандан ясалган эски қўшқулоқни (икки қулоқли ёғоч челак) ҳам олиб кетади. Қизиғи шундаки, Болонияликлар моденаликлардан дезертирни эмас, балки қўшқулоқни қайтариб беришларини талаб қилишган. Рад жавоб олишгандан сўнг Моденага қарши уруш эълон қиладилар. 22 йил давом этган ва анчагина талофатлар келтирган урушга баҳона бўлган қўшқулоқ ҳалигача Моденадаги миноралардан бирида сақланади.

**«Internet» хабарлари асосида ТЕМУРБЕК тайёрлади**

Huquq
yuridik gazeta

To'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —355. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 1 345678